



Золим хукмдор битта бўлади, халк эса кўп. Миллионларни бошқараётган одам кўпинча ўз хотиржамлигини йўқотиб кўяди, чунки кимдир ундан шубхалана бошлайди ёки у кимгадир ёкмайди. Хаммага бирдек ёкишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида бошқача фикр килувчиларга тоқатсиз бўлган золим хукмдорлар кўп бўлган ва улар "минг одамнинг ўлими – статистикадан бошқа нарса эмас", деб ҳисоблаганлар. Куйида уларнинг энг вахшийлари билан танишасизлар.

Оливер Кромвель



Рўйхатни англизлар билан бошлаймиз. Ўн еттинчи асрда яшаган сиёсатчи ва харбий кўмондон — Оливер Кромвель. Унинг Шотландия ва Ирландия католикларга нисбатан қандайдир алоҳида бир нафрати бўлган. Иқтидорга келгач, Ирландияда 50 000 дан ошиқ одамни ўлдириб юборган. Данди шаҳрида эса бандаргоҳ билан кўшиб, шаҳарда яшовчи 2000 одамни ўлдирган.

Максимилиан Робеспьер



Рўйхатнинг иккинчи ўрнини француз Максимилиан Франсуа Мари Исидор де Робеспьер эгаллаган. Кўпқиррали шахс бўлган: сиёсатчи, воиз, ҳуқуқшунос, инкилобчи ва энг золим хукмдорлардан бири. У Францияда бўлган "Террор асри" бошида турган. Франция

инкилобида оксуяк, рухоний ва олдинги ҳукумат тарафдорлари оммавий равишда қатл қилинган. Унинг ҳисобида 40 000 дан ошиқ нобуд қилинган ҳаёт бор. 1794 йили у маҳкамага тортилиб, тартибсиз ҳукумлари учун бошидан айрилган.

Иван Грозный



Грозный Иван IV Васильевич — ўрислар подшохи деганда биринчи бўлиб ўйга келадиган одам. Уни ҳозирги Россия ҳудудининг асосчиларидан деса бўлади. Давлатда баъзи ислохотларни амалга оширгани билан у атрофидаги хаммани сотқинликда гумон қилган. Масалан, у бутун бир шаҳар аҳолисини Польша билан тил бириктирганликда гумон қилиб, уни қуршаб олади ва ҳар қуни унинг кўшинлари 1500 одамни танлаб, қатл қилар эди. Муслмон хонлиқларини босиб олиб, уларнинг аҳолисини ҳам қириб ташлаган. (Қозон хонлиги)

Влад III



Валахия ҳукмдори Влад Цепиш 40 мингдан 100 000 гача одамнинг ёстигини қуритган. Руминиялик золим бундан роҳатланган бўлса керак. Валахияни ўз назоратига олиш мақсадида мамлакатга қирган турк кўшинлари бир шаҳарга қираверишда 20 000 дан ошиқ қириб кетган ўликларнинг бадбўй хидидан орқага қайтиб кетишади.

Иди Амин



1971 йили иқтидорни кўлига олган Уганданинг қора танли золим ҳукмдори нафакат мамлакатни тўлиқ инқироз боткоғига ботирди, балки шу билан бирга давлатнинг 1,500,000 аҳолисини ҳам кириб юборди. Иди Амин Иван Грознийга ўхшаб атрофидаги хаммани соткинликда гумон қилар эди.

Пол Пот




Камбоджанинг ўта золим ҳукмдори. Унинг «интеллигенция»га бўлган нафрати чексиз эди ва 4 йил ичида 1.5 миллион одамни йўқ қилди. Унинг бу жиноятлари расмий равишда геноцид деб аталган.

Леопольд II




Бундесвернинг кўндига қилган қил бўлиб, а. Ленин бўлиб, Б. ашжуд бўлиб, ш. Конго даревасида
Адольф Гитлер



Бутун тарих бўйича энг танилган шахс, десак муболага килмаган бўламиз. У хакида канча гапирсак оз бўлаверади. Унинг режими турли мамлакатларда бир эмас, икки эмас, ўн миллиондан ошик одамнинг бошига етган.

Йосиф Сталин



Сталинга ҳам алохида таъриф бериш шарт бўлмаса керак. Хисоб-китобларга караганда сиёсий ёки бошқа карашлари учун унинг режими 3 миллиондан ошик одамни ўлдириб юборган. Ундан ҳам кўп одамларни камаган ва сургун килган. Унинг хукмдорлик даврида Собик Иттифоқда олти миллиондан ошик одам очликдан кирилиб кетган.

Мао Цзэдун

